



# О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FARG‘ONA VILOYATI HOKIMINING QARORI

2022 - yil 9 - avgust

319-11-0-Q/22

Farg‘ona viloyati hokimligi

## Вилоят ҳудудидаги йўловчилар транспортида йўловчи ва багаж ташиш тарифларини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Автомобил транспорти тўғрисида”ги Қонуни 15-моддаси, “Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида”ги Қонуни 12, 16-моддалари ва “Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2724-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 сентябрдаги “Умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташувчилар фаолиятини ҳамда уларни молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 273-сонли, 2021 йил 8 октябрдаги “Ҳудудларда жамоат транспорти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 630-сонли, 2021 йил 22 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ўз аҳамиятини йўқотган айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 87-сонли қарорлари ижроси юзасидан ҳудудларда (шаҳар ва туманларда) йўловчилар транспортида йўловчи ва багаж ташишнинг йўл қўйиладиган тарифлар даражаси иқтисодий асосланган ташиш харажатларидан ва йўловчилар ташиш хизматларига бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Фарғона вилояти шаҳарларида, шаҳар йўловчилар транспортида йўловчилар ва багаж ташиш хизматларнинг чекланган тарифи қуйидагича

белгилансин:

- а) автобусларда бир нафар йўловчи учун 1500 (бир минг беш юз) сўм;
- б) йўналишли такси (микроавтобус)ларда бир нафар йўловчи учун 2500 (икки минг беш юз) сўм;
- с) йўналишли такси ва автобусларда ҳажми 60 см X 40 см X 20 см дан 100 см X 50 см X 30 см.гача бўлган ва узунлиги 150 сантиметрдан 200 сантиметргача бўлган буюмларни ҳамда ўлчамидан қатъий назар, оғирлиги 20 килограммдан ортиқ бўлган багажни олиб юриш, тарифга мувофиқ ҳақ тўлаган ҳолда амалга оширилади.

2. Фарғона вилояти шаҳар атрофи ва шаҳарлараро вилоят ичи йўналишларида йўловчи ташиш хизматларнинг чекланган тарифи қуйидагича белгилансин:

- а) автобусларда бир йўловчи км учун 170 (бир юз етмиш) сўм;
- б) йўналишли такси (микроавтобус)ларда бир йўловчи км учун 250 (икки юз эллик) сўм;

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 сентябрдаги 273-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида йўловчилар айланмасини ва умумий фойдаланиладиган автомобиль ва электр транспортида шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда ҳамда соатлар бўйича ташилган йўловчилар сонини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан имтиёзли юриш ҳуқуқига эга бўлган йўловчилар (пензионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар, талабалар ва умумий ўрта таълим муассасалари, академик лицейлар, касб-ҳунар мактаблари, коллежлар ҳамда техникумлар ўқувчилари) томонидан имтиёзли транспорт карталари орқали тўловлар умумий фойдаланиладиган транспортнинг (йўналишли ва йўналишсиз таксидан ташқари) амалдаги тарифларнинг 50 фоизлик имтиёзни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши инобатга олинсин.

4. “Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 сентябрдаги 273-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида йўловчилар айланмасини ва умумий фойдаланиладиган автомобиль ва электр транспортида шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда ҳамда соатлар бўйича ташилган йўловчилар сонини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан имтиёзли транспорт картасидан фойдаланган ҳолда умумий фойдаланиладиган

транспортдан (йўналишли ва йўналишсиз таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган йўловчилар рўйхати иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

5. “Автомобиль транспорти тўғрисида”ги Қонунга асосан йўловчи:

шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларидаги автобусларда етти ёшгача бўлган болаларни ўзи билан бепул олиб юриш;

шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларида йигирма килограммдан ошмайдиган оғирликдаги багажнинг бир ўрнини ўзи билан бепул олиб юриш ва бошқа ҳуқуқларга эга эканлиги инобатга олинсин.

6. Вилоят Транспорт бошқармаси (Р.Рахижонов)га:

“Шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи ягона гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга (рўйхат рақами 2434, 2013 йил 4 март) асосан айрим тоифадаги фуқароларга шаҳар йўловчилар транспортида бепул юриш ҳуқуқини берадиган ягона гувоҳномалар берилишини;

Молия йили якунида шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) бепул юриш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатини ҳар йили инвентаризациядан ўтказишни;

Шаҳар йўловчилар транспортида юришнинг ҳисобини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 273-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида йўловчилар айланмасини ва умумий фойдаланиладиган автомобиль ва электр транспортида шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда ҳамда соатлар бўйича ташилган йўловчилар сонини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг “Статистик ҳисоботлар тузишда йўловчиларнинг турли тоифалари, ойлик транспортда юриш карточкалари турлари ва транспортда бепул юриш ҳуқуқини берадиган ягона гувоҳномалар бўйича ҳисобга олинадиган йўловчиларнинг транспортда юришлари сони” иловасида белгиланган тартибда амалга оширишни;

йўловчилар транспортида юриш тарифларига риоя этилишини таъминласин.

7. Вилоят Молия бош бошқармаси (З.Рўзалиев), вилоят Транспорт бошқармаси (Р.Рахимжонов) шаҳар ҳокимлари билан биргаликда:

фуқароларнинг айрим тоифаларинини транспортда бепул ва имтиёзли

юриши билан боғлиқ ҳолда, ташувчиларнинг олинмай қоладиган даромадларини, шунингдек, чекланган тарифлар бўйича йўловчилар ва бағажни ташиш бўйича хизматлар кўрсатилиши муносабати билан шаҳар йўловчи ташиш транспорти ташувчилари кўрадиган зарарларни қоплаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 273-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида чекланган тарифлар бўйича аҳолига хизмат кўрсатиш муносабати билан шаҳарда йўловчиларни мунтазам ташиш билан банд бўлган ташувчилар кўрадиган зарарларни молиялаштириш ва қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида ҳар ойда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг тасдиқланган параметрлари доирасида ва вилоят маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 октябрдаги “Худудларда жамоат транспорти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 630-сонли қарорига асосан, ташувчилар томонидан шаҳар атрофи ёки вилоят ичидаги шаҳарлараро автобус йўналишида кўриладиган зарар миқдори 30 фоизгача (30 фоиз ҳам шу жумлага киради) бўлган йўналиш норентабель автобус йўналиши бўлиб ҳисобга олинишини инобатга олган ҳолда, мазкур норентабель автобус йўналишларидан кўриладиган зарарлар Республика бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетлари параметрларида назарда тутган ҳолда ҳар ой якуни бўйича белгиланган тартибда субсидия ажратиш йўли билан қоплаб берилсин.

8. Вилоят ҳокимининг 2022 йил 15 февралдаги “Шаҳар йўловчилар транспортида йўловчилар ва бағаж ташиш ҳақини тўлаш тарифларини белгилаш тўғрисида”ги 84-11-0-Q/22-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарор “Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газеталарида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Исақов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Х.Бозаров

Farg'ona viloyat hokimining  
2022 yil 9 avgustdagi  
319-11-0-Q/22-son qaroriga  
1-ilova

**Имтиёзли транспорт картасидан фойдаланган ҳолда умумий  
фойдаланиладиган транспортдан (йўналишли ва йўналишсиз таксидан  
ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган йўловчилар**

**РЎЙХАТИ**

1. 1941 – 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари жумласидан бўлмиш ҳарбий хизматчилар.
2. 1941 – 1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва урушнинг I гуруҳ ногиронига ҳамроҳлик қилувчи шахс.
3. 1941 – 1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнат ва бенуқсон ҳарбий хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган шахслар.
4. Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ байналминалчи жангчилар, жумласидан бўлмиш фуқаролар.
5. Ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматчилар ва шартнома (контракт) бўйича оддий ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар ҳамда сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар.
6. Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошдан кечирган шахслар.
7. Кўзи ожиз ногиронлар ва кўзи ожиз ногиронга ҳамроҳлик қилувчи шахслар

Асос: «Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 273-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида йўловчилар айланмасини ва умумий фойдаланиладиган автомобиль ва электр транспортда шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда ҳамда соатлар бўйича ташилган йўловчилар сонини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом.

